

Кўча куйда ҳижобда юрган аёлларни, қизларни кўрсам ҳавасим келади.

18:44 / 26.04.2016 3282

САВОЛ: Шайх ҳазратлари, кўча куйда ҳижобда юрган аёлларни, қизларни кўрсам ҳавасим келади. Неча йилдан буён мен ҳам ўрайман десам, онам рози бўлмайдилар. Аввал турмушга чиққин, кейин ўзинг биласан, дейдилар. Сиз бундай ҳолларда онага тушунтиришни, муло-йим сўзлар билан кўндиришни маслаҳат берасиз. Лекин улар гапларида туриб олсалар, кўчада рўмолсиз юришимда гуноҳ борми ёки йўқми?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Мен одатдагидек, яна бир бор онангизга бу масалани одоб ва мулойим сўзлар билан англатиб бораверишни таъкидлайман. Аллоҳ таолонинг Ўзи ёрдамчи бўлсин. Валлоҳу аълам.